

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

574 Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2419-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги ва «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-10-сон қарори (рўйхат рақами 2419, 2013 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Импорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда даврий божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандининг «в» кичик бандидан «импорт» деган сўз чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

48 (652)-сон

— 15 —

574, 577-моддалар

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

3. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 14 ноябрь,
01-02/12-25-сон